


Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари билан суҳбат



11:12 / 20.10.2023 991

Бу кўрсатув жуда манфаатли бўлибди. Негаки ҳазратнинг умр йўлларини эшитиб биз ёшлар ғайратимиз, шижоатимиз ошди. Мен ҳазратнинг умр йўллари ёзилган «Исломга бағишланган умр» китобини ўқиганман, лекин инсонларнинг ўзидан эшитиш бошқача бўлади.

Ҳазрат билан бўлган барча хотиралар ажойиб, манфаатли инсонлардан манфаатли хотиралар қолар экан. Лекин менга энг ёққан хотира бу шайх Зулфиқор Нақшбандий билан ҳазрат ўртасида бўлган муносабат. Зулфиқор Нақшбандий ҳазратлари шайх ҳазратдан бунчалик илтифот нима учун деб сўраганларида ҳазрат: «Олдингга бир қавмнинг улуғи келса унинг ҳурматини жойига қўй», деган ҳадисни айтганларидир. Бундан ҳазратнинг ҳадисларга амал қилганлари, суннатга эргашганлари, Нақшбандия тариқатига амал қилганлари аён бўлади.

Иккинчи хотира эса ҳазрат билан шайх Алижон қори ҳафизахуллоҳ ўрталаридаги суҳбат бўлган. Ҳазрат билан Алижон қори суҳбат қилиб турганларида мухбир ҳазратдан интервью олгани келиб қолади. Шунда ҳазрат ҳайбат ила:

"مكعم" م م معم ث د ح ت ا الّ و ا،،

Деб айтганлар. Бундан келиб чиқадики, ҳазрат ҳар кимнинг хаққини ўз ўрнига қўйган эканлар.

Хайрулла Ҳамидов билан бўлган суҳбат ҳам кўпчиликка манфаатли бўлди деб ҳисоблайман.

Ҳазратнинг спортга қизиқишлари.

Шайх ҳазратнинг спортга бўлган шижоатлари баландлигини, илмда ғайрат қилиш кераклигини тушундим. Ҳар бир ишда суннатга амал қилиш муҳимлигини англадим. Ҳазратнинг ҳар бир ишда теран фикрлари, фарзанд буюк шахс бўлишида ота онанинг ҳиммати, хизмати юқори бўлиши, Муҳаммад Юсуф ҳожи даданинг ўта тақводор инсон бўлганлари, қийинчиликларга сабр қилиш кераклигини ўргандим.

Ушбу силсилавий кўрсатувни давом эттириш керак.

Мен билан ҳазрат ўртасида хотира йўқ, негаки ёшим кичик бўлган. Ҳазратнинг жанозалари ўқилган куни менинг Алифбе байрамим бўлган.

Ҳикматуллоҳ Нормуродов